

ТИМУР ПУЛАТОВ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Хашимова Шоира Касимовна,

ФарДУ, рус тили методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Тезисда истеъдодли рус ёзувчи Т.Пулатовнинг ижоди бўйича изланиш олиб борган олимлар ишлари таҳлил этилади. Уларга баъзи муносабатлар берилади. Сўнгра, манбалар таҳлилидан келиб чиқиб, замонавий адабиётшунослик олдида турган баъзи вазифалар белгилаб олинади.

Таянч сўз ва иборалар: адабиётшунослик, қисса, роман, илмий тадқиқот, Тимур Пулатов, илмий муаммо.

Истеъдодли ёзувчиси Темур Пўлатов замонавий рус адабиётида алоҳида ўринга эга. Унинг асарларида ўзбек ва рус маданияти, санъати ёнма-ён тасвирланади. Соф миллий колорит, ўзбек оиласи, ўзбеклар яшайдиган муҳитга оид қадрият ва тушунчалар рус бадиий тафаккури билан қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Лекин ёзувчи ижодининг яна қатор жиҳатлари борки, улар адабиётшуносликнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Ана шулардан бири пулатовшунослик соҳаси саналади.

Аслида Темур Пўлатов ижоди бўйича бирмунча тадқиқотлар олиб борилган. Қатор мухлислари унга мактуб билан мурожаат қилишган. 1986 йилда Италиядан бир аёл унга хат ёзиб, ёзувчи ижоди бўйича тадқиқот олиб бораётганини билдирган. Кейинчалик улар учрашган. Ёзувчи ҳақидаги дастлабки йирик тадқиқотни эса немис олимаси Бригид Фукс амалга оширган бўлиб, у “Темур Пўлатов асарларида инсон, жамият ва дин” деб номланади.

Айимхон Эшниязова ўз диссертациясининг учинчи бобида Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларига Темур Пўлатов ижодий таъсирини ёритишга ҳаракат қилган [10]. Лекин объектларга қиёсий-типологик ёндашув ўзаро таъсир масаласини ёритишга ҳалақит қилган.

Эътиборли томони шундаки, қозоғистонлик олим У.К.Абишев ҳам Темур Пўлатов ва қозоқ адиби асарларининг қиёсий таҳлилини амалга оширган



ҳамда Марказий Осиё насри таҳлилида ёзувчи асарларига юксак баҳо берган. Олимнинг изланишлари ёзувчи таъсир кўлами кенглигини илмий исботлайди[1].

Тадқиқотчи Алимова Ольга Хатамовна Темур Пўлатов ижодида фалсафий муаммоларнинг бадиий ифодаланиши муаммоларини биринчилардан бўлиб тадқиқ этган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, қиссадаги барча персонажлар икки хусусиятга эга, «Соқчилар минорасидаги биродарлар» амбивалентлик ҳолати: бир томондан минорада туриб соқчилик қилиш бурчи (бу сўзсиз метафорадир), иккинчи томондан эса ҳаётнинг ўзига хос ҳукми. Матн шундай қурилганки, қиссанинг ҳар бир персонажи, ҳар бир иборада икки хил қараш мавжуд бўлиб, бу ракурсларнинг аралашуви гротескни ҳосил қилади [3, 24]. Дарҳақиқат, ёзувчи роман қиссаларида воқеликка икки хил ёндашувни кузатиш мумкин. Шунга ўхшаш аммо, энди кенгроқ маънодаги ҳулосани биз Абуталиева Элвира Ириковна ишида ҳам учратдик. У Темур Пўлатов ва Темур Зулфиқоров насрий материаллари мисолида макон ва замон масаласини тадқиқ этган ҳамда қуйидаги ҳулосага келган: “Темур Пўлатов ва Темур Зулфиқоров асарларида цивилизациялар бўлаклари, дин, фалсафа, оламни бадиий англашнинг улкан анъаналари: Осиё ва Россия, ислом ва христианлик, Шарқ ва Ғарб учрашади” [2, 18].

Профессор Қ.Йўлдошев эса “ Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ижодий эркинликка бир қадар йўл берилгач, бу йўналишдаги изланишлар қайта юз кўрсатди ва ўзбек адабиёти тараққиётининг кейинги даври тўлиғича модернистик тажрибалар билан ёнма-ён кечяпти. Р. Парфи, О. Мухтор, Т. Пўлатов” дея ёзувчининг ижоди модернистик тажрибаларга бойлигини таъкидлайди [6, 151-152].

Профессор Шафранская Э.Ф. ёзувчи асарларини мифопоэтика нуқтаи назардан ўрганган[7,8,9]. Олима иккита иш эълон қилган. Биринчиси докторлик диссертацион иши бўлиб, унинг учинчи боби тўлиғича Т.Пўлатов ижодини, тўртинчи бобда бошқа ёзувчилар билан биргаликда тадқиқ этган. Аммо кейинроқ муаммони атрофлича ўрганишга ҳаракат қилади ва йирик ҳажмли монография ҳам чоп эттиради [8]. Бундан ташқари, олима дарслигидаги 122 мавзунини “Темур Пўлатов қримтатарлар ҳақидаги



трилогияси” деб номлайди [9,122]. Бунда трилогиянинг мавзу ва ғояси, ифода услуби ҳақида фикр юритилади.

Балтабаева Азиза Маннобовна Ўзбекистонда рус тилида ижод қилувчи ёзувчилар ижодида қисса жанри ривожланиши мавзусида изланиш олиб бориб, “Ўзбекистон русийзабон адабиётидаги турли модификациялари эътиборга олинмаган, рус тилидаги қиссаларнинг миллий адабиёт билан ўзаро алоқадаги жанр ҳосил қилувчи категориялари ҳамда ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилмаган” деган қарорга келади[4,8]. Шунинг учун Темур Пўлатов, Исфандиёр ва Сухбат Афлотуний қиссаларини ҳам таҳлилга тортади ва уларнинг ўзбек адабиётига таъсири ҳақида фикр билдиради. “Бир томондан, Темур Пўлатовнинг кичкина одами XIX аср бошидаги рус қиссачилиги анъаналари билан уйғундир, аммо, иккинчи томондан, ушбу образни тасвирлашда жиддий фарқлар мавжуд. Биринчидан, Каип Аллоҳ назарига тушган одам, у инсоният тақдирини ва ўз ўлимини олдиндан кўради, шунинг учун бу образ кўпинча дарвеш образини ёдга солади. Иккинчидан, агар анъанавий кичкина инсон образининг энг диққатга сазовор жиҳати унинг феълидаги асосий хусусият – беозорлик, персонаж меҳрибон, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдиган инсон бўлса, Каип айёрлик, таъмагирлик қилиши мумкин, масалан, дўстининг қайлиғини ўғирлайди, шунингдек, севган кизига хиёнат қилади... Т.Пўлатовнинг «Окликни меня в лесу» қиссасида образни яратиш зонаси ҳамда қаҳрамоннинг ахлоқий танлови хотира, туш, хат каби усуллар ёрдамида ифодаланади, улар бир неча вазифа бажаради, яъни улар нафақат асар композициясини уюштирувчи киритма унсур вазифасини бажаради, балки персонажлар характерини очиқ берувчи муҳим омил сифатида; шунингдек, қаҳрамоннинг ахлоқий танловини белгилаб берган психологизмнинг ифодаланиш шакли сифатида қўлланилади [4,11]. Кўринадики тадқиқотчи ёзувчи қиссаларини яхши таҳлил этади. Аммо уларни ўзбек адабиётидаги ўрни, ўзбек ёзувчиларига таъсири ҳамда ёзувчининг бошқа асарларини таҳлилга тортмайди.

Асли Ўзбекистонлик бўлган яна бир олима Гапирова Г.Т. ўзининг докторлик (DSc) диссертациясида ёзувчи насрини тадқиқ этар экан, “Ҳаёт ва ўлим



алмашилиши ҳақидаги ғоя асосида Т.Пўлатовни ўйлантирган “бутун олам муаммоси – ҳаёт – инсон - ўлим” ётибди[5,612], деган тўхтамга келади.

Хуллас, манбалардан кўринадик, Т.Пулатов ижоди бўйича билдирилган фикрлар хилма-хил бўлиб, уларда асосан, мифопоэтика, ёки бошқа ижодкорлар фонида тадқиқ этилганини кузатилди. Лекин ёзувчи ижодининг ўзбек адабиётига таъсири, хусусан, Хуршид Дўстмуҳаммад насри га бевосита таъсири монографик планда тадқиқ этилмагани аниқланди. Шунинг учун Т. Пулатов насрини адабиётшуносликда янги давр нуқта назаридан ўрганилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абишев У.К. Проза А. Жаксылыкова И., Т. Пулатова: сопоставительный анализ. www.magkazu.kz.
2. Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии: на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зульфикарова. Автореф. дисс. ...кан. филол. наук. – Ташкент, 1993 г. – 24 с. www.disscat.com.
3. Алимова О.Х. Художественное воплощение философской проблематики в творчестве Тимура Пулатова. Автореф. дисс. канд.филол.наук. – Москва: МГПУ,1993. 24 стр. www.cheloveknauka.com.
4. Балтабаева Азиза Маанобовна. Ўзбекистон рус тилидаги адабиётида қисса жанри ривожланиши. Филол.фан. бўйича фалсафа доктор (PhD) дисс. автореф. 2020. – Б.8 б.
5. Гарипова Г.Т. Принципы миромоделирования в русской прозе XX века (неклассическая парадигма художественности). Диссер. на соиск. ... доктора филол. наук. – Владимир, ВГУ, 2021. – 612 стр.
6. Ёўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 406.
7. Шафранская Э.Мифопоэтика инопоэтнокультурного текста в русской прозе XX-XXI века. Автореф. дисс. ... док филолог. наук. 2008.- 32 стр.
8. Шафранская Э.Ф. Современная русская литература: иноэтнокультурная проблематика. Учебник для Вузов. — Москва : Издательство Юрайт, 2020. — 122 с.



9. Шафранская Э.Ф. Мифопоэтика прозы Тимура Пулатова: национальные образы мира. – Москва: Едиториал УРСС, 2005. – 160 стр. ozon.ru.
10. Эшниязова А.Ш. Истиклол даври ўзбек қиссачилиги ва Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан... фалсафа док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 72 б.

